



<https://Interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)

ISSN 2181-1717 (E)

SJIF: 3.805 (2021)

2023/4

TA'LIM VA INNOVATSION TADQIQOTLAR

ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH

TA'LIM VA INNOVATSION TADQIQOTLAR
ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH



№ 2023
aprel

MATERIAL:	07.00.00 – TARIX FANLARI	112
Buxoro davlat universiteti Fan va ta'limi MChJ	Rashidov O. Professor Sulaimon Isayev kutlugi 85 yilida	7
Bosh mukarrir: Ma'munov Bahodir Baxshullayevich	Mamatov B. T. XVII asming birinchi yarmida Buxoro xonlining tashqi siyosatida bahodir yaslang'ish	10
Jamsoatchilik kengashi raisi: Xamidov Obidjon Xafizovich, Buxoro davlat universiteti sekretori	Raxmatulloev M. X. Yangi O'zbekistonda ommaviy azborot vositalari faoliyatini qonun himoyasida	18
Tahririyat kengashi raisi: Maxmudov Melis Hasanovich	Kul'dashov Sh. T. "Tariixi Aziyoti" asariida Janubiy Kozogiston shaharlari tariixini eritiliishi	23
Mas'ul kitob: Akramova Gulnazar Resatovna	Saidov J. O. Amir Temur va temuriylar davri savdo va madaniy aloqalarida Jizzax vohasining tutgan o'mni xususida	28
Teknik mukarrir: Davronov Imon Ergashevich	Utayeva F. X. Teshayeva Yulduz Hakim Buxoro to'qimachilik kombinatsiida mutaxassislarining o'mni va o'ilalarning ish bilan ta'minlanishi	33
Tahririyat muzdili: Buxoro shahar, Q.Murtazayev ko'chasi, 16-uy	Siddikov I. B. Bujazak tariixchilarida tariixi o'ngina shakllantirishi asosida informatsion-analitik kompetentislilikni rivojlantirishning pedagogik tizimi masalalasiga donir	40
Telefon: +998(90)744-06-22	Zarinkov O. O. "Tariixi Xumoyoni" Buxoro amiriyligi tariixini urganinchida muhim manba	46
E-mail: ciijetsal2020@gmail.com	10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI	46
Jurnalning elektron sayti: www.makrescience.uz	Sharipova L. Tilak Jura sheryariatining 13-niga xo'shlisklari	53
Jurnal OAK Rayonining 2021 yil 30 sentyabriga 306h-sun Qoson bilan PEDAGOGIKA, PSIXOLOGIYA, FILOLOGIYA, TARIX	Ataxo'jayeva Sh. A. Bo'lajak ingliz tili o'qituvchilarining ijtimoiy intellekti xususiyatlari	57
FANLARI bo'yicha folsufa doktorei (PhD) va fan doktorei (DSc) ilmiy darajasiiga talabgorlarning dissertasiya ishlari yuzasidan asosiy ilmiy natijalarini chop etish tawsiya etilgan ilmiy nashreli ruxsatiqa keitingan	Oripanova G. M. Personajli lirikada lirik kechimma iproddasi	63
Boshishga ruxsat etildi: 28.02.2023 y. Qog'oz hichimi 60x84 1/8. b6.12,5. Buyurtma raqami 1.23	Mamadjanova Maftunahon Uktamovna Epitetning lingvistik tabiatini	69
eFAN VA TA'LIMDA nasbeyotida chop etiladi. Buxoro shahar	Xajiyeva D. A. Erkin Vohidov ijodida folklorning ertak janriga munosabat	72
Jurnal 28.07.2021 yilda 9305 nashari bilan O'zbekiston Ommaviy azborot vositalari davlat ro'yxatidagi o'tgan	Hamdamova Z. Sh. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida to'g'ri talaffuz ko'nikmalarini shakllantirishda mashqlarning o'mni	78
Jurnal 2020 yilda tashkil topdi va 2 oyda 1 marta chop etildi. 2021 yil noyabre oyidan boshlab har oyda 1 marta o'zbek, rus va ingliz tilalarda chop etiladi	Hamidov H. A. Sport jurnalistlari nutqida metaforalarning ifodalamanishi	83
«Ta'lim va innovatsion tadqiqotlari xalqaro ilmiy-metodik jurnalidan ko'chib berish tahririyatining rozligi bilan araliga oshinildi	Jakharova M. I. Ona tilida nutq so'zlash ko'nikmasini rivojlantirish bo'yicha metodik tavsiyalarining amaliyotda qo'llanilishi	88
Maqolada kechirilgan faktlarning to'g'riligi uchun muallif mas'uldar	Murodova Sh. I. Ona tili va adabiyot darslarida o'qish savodxonligini rivojlantiruvchi o'quv topshiriqlari	94
Norova I. M. Boshlang'ich sinflarda o'quvchilarini chiroyligini yozishga o'rgatish	Norova I. M. Boshlang'ich sinflarda o'quvchilarini chiroyligini rivojlantiruvchi o'quv topshiriqlari	99
Omonboeva N. E. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini bilan o'quv lug'atlarini ustida ishlash	Omonboeva N. E. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini bilan o'quv lug'atlarini ustida ishlash	103
Umarova N. Z. Oliy ta'lim tizimida o'quv topshiriqlaridan foydalanish	Umarova N. Z. Oliy ta'lim tizimida o'quv topshiriqlaridan foydalanish	107
13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI	Ma'murov B. B., Umarov A.T. Akmeologik yondashuv asosida jismoni tarbiya o'qituvchilarining kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirish muammo va yechimlari	112



10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI

ТИЛАК ЖҮРА ШЕҮРНЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Лайло Шарипова,

БухГУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, ф.ф.д.

Аннотация: *ХХ асрнинг 70-80 йилларида ўзбек шеърнинга бир гурӯҳ шоирлар кириб келдилар ва шеърнинизда жисдий ўзгаришни юзага келитиридишлар. Шундай шоирлардан бири Тилак Жўрадир. Унинг шеърнини ўзига хослиги билан фарқланаб туради. Маколада шу ҳақда фикр боради.*

Казит сўзлар: *Тилак Жўра, шеърнин, лирик қаҳрамон, мавзу, сарланда, қарғиши, публицистика, матьндошлиш, бадиият.*

THE PECULIARITIES OF TILAK JURA'S POETRY

Laylo Sharipova,

Professor of the Department of Uzbek Language and Literature of BSU, DSc.

Abstract: *In the 70s and 80s of the 20th century, a group of poets appeared in Uzbek poetry and brought about a serious change in our poetry. One of the greatest poets is Tilak Jura. His poetry is distinguished by its originality. The article discusses the uniqueness of his poetry.*

Key words: *Tilak Jura, poetry, lyrical hero, theme, title, anathema, journalism, synonymity, poetics.*

ОСОБЕННОСТИ ПОЭЗИИ ТИЛАКА ЖУРЫ

Лайло Шарипова,

профессор кафедры Узбекского языка и литературы БухГУ, DSc.

Аннотация: *В 70-х и 80-х годах 20 века группа поэтов вошла в узбекскую поэзию и произвела серьезные изменения в нашей поэзии. Одним из таких поэтов является Тилак Жура. Его поэзия отличается оригинальностью. В статье рассматривается уникальность его поэзии.*

Ключевые слова: *Тилак Жура, поэзия, лирический герой, тема, название, анафема, публицистика, синонимия, поэтика.*

Кириш. ХХ асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърнини бетакор шеърият сифатида эътирофга лойик. Бу давр шоирлари ўзбек публицистикаси вазифасини ҳам бажаришга чоғландирилар. Ватан мустабид тузум қийногидан чарчаган, шоирларига умидвор боксаётган эди. Шу умидворликданғамга ботган, айни дамда, кучи-куват олган шоирлар шеърлари ёрдамида истиклолни чорладилар. Аммо етук шоирлар шеърнининг асл вазифасини унутыадилар. Назмни кўнгилнинг кўзгусига айлантира олдилар. Уларнинг сафида Бухоронинг Қоракўлида туттилган, камтар, аммо гурури осмон, ўжардан ўжар шоирни Тилак Жўра бор эди. Ҳам шоир, ҳам олим бўла билган Тилак Жўра ота-онасининг дуосини кўп бор олган, Хуло деган эканки, такдир Файбулла Ас Салом каби фозил устозга шогирд, Садриддин Салим Бухорий, Самад Азимов сингари покдомон шоирни олимларга сафдош, Мухаммад Юсуф сингари бегубор, зл севган шоирлар билан ҳамсухбат, дарaldoш айлади. Унинг ўзига хос шеърнини бор эди...

Мухокама. Адабиётшунос олим Д.Куронов мавзунинг иккни жиҳати бор деб

билиб, бири ҳаёт материалы, бири ижтимоий, мальавий-ахлокий, фалсафий ва шу каби муаммолар мажмуни [3, 248] деб билади. Шу мъянода Тилак Жўра шеърияти мавзусини назардан ўтказсак, барча мавзулар муҳаббат мавзуси атрофида бирлашганини кўриш мумкин. Умид улуг туйгу, шу сабаб у ҳақида шеърлар кўп. Аммо Тилак Жўра умид ҳақида шундай ёзандики, тафаккури чукур бўлмаса, шеърхон дабдурустдан англамайди:

Кўриб мендаги гўзаллигини
Кўзлари камашиб,
Кон бўлиб чопади томирларимда –
Дилбар бир умид... [1,3]

Лирик қаҳрамондаги бу умид шундай гўзалки, ўзининг гўзаллигига бокиб умиднинг кўзи камашади. Кўзи камашган умид лирик қаҳрамон томирларидағи конга, яъни ҳаётта айланади. Энди у шунчаки умид эмас, “Дилбар бир умид”. Шоирнинг фикрни ифодалаши ўзига хос. “Шеърият” шеърида лирик қаҳрамоннинг кимга ёки нимага мурожаат килаётгани бир қараганда дарров англамишмайди. Чунки шеърда “шеърият” сўзи кўлланмаган. Факат сарлавҳа шунинг англатади. Аммо шеърият ҳақидаги гўзал, бетакрор шеърларга сафдош бу киска ҳажмли шеърда ҳеч кимда учрамайдиган ўзбекона ифода бор:

Тутдек тўкилди юрагим
Умидларининг силкишидан.
Сени согиниб кутаман
Офтобнинг ҳар чинчишидан [1,4].

Демак, шоирнинг юрагини умидлар шундай силкийдикни, юраги тутдай тўкилади. Шоир сўз кўмагида манзара ҳосил қиласди. Шу мъянода, у – руҳият мусаввири. Тутнинг таналарига сал тегинсангиз, тутлар дувиллаб тўкилади. Аммо пишмаган тут асло тўкилмайди. Ҳаётда шу манзарани кўриб улгайтан шеърхон учун юракнинг тутдек тўкилишини англаш осон. Аммо биттагина бўлган юракнинг тутдек тўкилиши учун у минг бўлакка бўлинган, тилкапора бўлган бўлиши керак. Кейинги сатрларда шоир дабдурустдан офтобни нега согиниши аёналашади. Юракнинг тутдек тўкилиши учун офтоб зарур. Бу манзаралар шеърнинг дунёга келишини кўз ўнгимида гавдалантирган.

Шоирнинг фикрича, шеърият “кўзларнинг ачишидан”, шоир “қонининг ҳар томчисидан” дунёга келади. Бунинг учун “армоннинг ҳўп санчишидан”, “аламнинг ҳар камчисидан” юрак тутдек тўкилиши, юрак қонлари томчи-томчи бўлибтўкилиб кетиши керак. Шоир шеъриятни таърифламайди. Шоирдаги холат шеъриятнинг кай таҳлил яратишини шеърхонга намоён этади.

“Руҳият” шеъри эса Тилак Жўра оламини намоён қилувчи ўзига хос шеър сифатида таассусрот қолдиради:

Бир яланглик бўлса,
Тўйиб-тўйиб бақирсанг,
Сўниб қолган руҳингни
Қалқиб-қалқиб чакирсанг!..
Титраса товушингдан
Димиқкан бағринг, тананг,
Сочилиб дил губори
Қойдаги майсадай
Силкиниб турса шонанг [1,5].

Шоир “руҳим сўниб қолди”, “бағрим димиқди” демайди. Иккинчи шахсга мурожаатдай туюладиган, лирик қаҳрамонга қаратга айтилган бу фикрлар



шонирнинг даврдаги бикниклика иёни, руҳининг ҳайқириги ҳамдир. Зотан, бу шеър киритилган китоб истиқлолдан оддин нашр қилинган:

Ох урсанг, оҳлар десанг,
Бу қандай замон, охир!
Тўйиб-тўйиб бакирмок,
Ёниб-ёниб чакирмоқ
Енди бир армон десанг.
Бир яланглик бўлса,
Айтаб-айтиб шуларни,
Учириб
Гала-гала қушларни
Тўйиб-тўйиб бакирсанг,
Куйиб-куйиб чакирсанг?!

Бу айнан Тилак Жўранинг руҳияти тасвири, тавсифи эканини англаш учун шонирнинг шахсиятини билиш зарурати кам. Негаки, зуқко шеърхон учун шонир шеърлари ойналини вазифасини ўтайди:

Замонларнинг зулми-зўридан,
Ёғийларнинг конли тўридан,
Тўрдай тутун халқнинг шўридан,
Нолалар қилдинг, нолали қушчам,
Ўз ҳолига ўзи волали қушчам,

Туркий титрогингта бунчалар ситам! [1,6]

Шоир “булбул” сўзининг маънодошларини кўллайди. Нега?! Маънони кучайтириш учунми? Ҳа. Аммо факат бутина эмас. Бу “булбул” сўзининг маънодошлари кўлланган даврларни англатади. “Девону луготит турк” дан ҳазрат Навоийгача бўлган туркий шеъриятда “сандувоч”, Навоий шеъриятидан XIX асрдаги “андалиб”, XX асрдан ҳозиргача “булбул” сўзи кўпроқ, кентрок кўлланилиб келинади. Шеърда “Туркий титрогингта бунчалар ситам” сатри такрор-такрор келтирилар экан, шеър композитсиясини бутунлаштириб турган сатр сифатида кўзга ташланади. Бу шеър шеърият, шоир, бадний сўз ҳакидаги шеър. Унда сюжет бор. “Тутқунликда толиқкан қушчам, Зорланиб-зорланиб зориккан қушчам” – товуш такрори безаган бу сатр шеърнинг тутунини ҳосил қилган. Шоир воқеани ривожлантириб, булбулинг толиқишига сабабларни кўрсата бошлайди. Зиддиятлар чўққиси сифатида келтирилган сатрларда нафакат ўз ғалининг, балки бутун туркийларнинг дард-у оғриклиари музжассамлашган:

Сайраб кучмокқа осмонинг йўқдир,
Яйраб кучмокқа ошёнининг йўқдир,
Ташлаб кетмоққа маконинг йўқдир,
Осмони огули,
Макони дугули
Кушчам,

Туркий титрогингта бунчалар ситам!

Шоир булбул – жажжи қушча нега толганини изоҳлашда, аниқлашда давом этади. Шеър сюжетидаги ечим козага кела бошлайди. Эркисиз ватаннинг, назжотениз злиниг шоир – булбулинг ахволидан злни огоҳ этади. Бу шеърда сатрлар шу қадар тадрижий тарзда жойлаштирилганки, чукур, тизимли таҳдил қилинса, йирик мақола козага келади ва шоир шахсияти, унинг Ватанга муҳаббати, эрка ташналиги, маслаги аниқроқ ойдинлашади. Шеърнинг якунни злимизнинг феълига хос муҳим жиҳатларни таъкидлайди:

Ўзинимас ўзгани сўйган –

Сандувочим – сарлочиним,
Туркий титротим,
Туркий нафасим.
Рухи осмоннларда,
Ўзи

Багримда ботин сасим –
Туркий титротинга бунчалар ситам!

Биз бир лаҳза ҳам ором олмайдиган, тиним билмайдиган, куйманиб яшайдиган элмиз. Бу куйманиш оқибатида куйиб юрамиз. Энг оғири, шарафлиси – асрлар давомидә элмигизда ўзгармаган хусусият: ўзини эмас ўзгани ўйлайдиган элмиз. Булбулни тутсангиз ва авайламай, кўпол тарзда сикиб ушласангиз, ундаги титротни хис қиласиз. Бу титрот, шоир айтганидек, “Туркий титротим”, “Туркий нафасим”, унга беҳисоб ситамлар килинган. Бу ситамларни шеърга солиш, шўро даврида айтиш, чоп эттириш учун Тилак Жўра бўлиш керак эди.

Тилак Жўра шоир, шеърият ҳақида ёзар экан, улуг шоирларга эҳтиром кўрсатади. “Устоз Миртемирни эслаб”, “Чўлпон”, “Нозим Ҳикмат”, “Рауф Парфига” шеърларида шоирнинг улуг олам – шеъриятта муносабати аке эттан.

Халқимизда карғанинг иоми унинг лаънат олгани билан боғлиқлиги ҳақида яратилган афсона бор. М.Қошғарийнинг “Девони луготит турк” асарида карғини сўзига ўзакдош “киргағ” сўзининг “газаб”, “қаҳр” маъносида кўлланилгани изоҳланган. Шоир Тилак Жўра шу икки фикрдан фойдаланиб, қор ёғиши манзараси билан қаламнинг оқ варажни кора килиши ҳолатини ўзаро ўхшатади. Бунинг биринчисида кора нарсанинг оқ бўлиши, иккинчисида, аксинча, оқ нарсанинг кора бўлиши англашилади. Каргалар кора тусда бўлганлиги учун оппоқ кор узра юрса, тез билиниб, кўзга ташланиб қолади. Шоир шу ўхшаш ҳолатларни ёдга олиш орқали ўз руҳиятидаги қарама-каршиликларни очиб беришга интилади.

Қаҳрим қағиллаган карғадир,
Ўзимдан, кўзимдан йўргадир.
Йўғрилиб-йўғрилиб лабимни тишлар,
Кор коплаган карғишлар [1,13].

Натижа. Тилак Жўра ўзбек шеъриятига ўз қадамлари билан кириб келди. Факат кўнгли тилаган сўзни айтди, акли буюрган ишларни амалга оширди, асло иймонига зид сўзни оҳантта солмади, асло илми билан амалидаги бирликка птур етказмади. Бор-йўғи шаънига зид ишга рўпара келса, мавқеидан, орзуидан, манфаатидан кечса-кечди, аммо мунофиқлик остонасига яқин бормади. Шариф Бухоровизнинг Сайёд отлиғи маскани Тилак Жўра ҳаётини ва ижоди сабаб яна бир карра машҳур бўлди, адабиёт муҳиблари хотирига муҳрланди. Аммо шоирнинг ўзи олимлик, шоирлик мақомидан бирор манфаат учун фойдаланмади. Ўжарликдай кўринган жиҳатлари аслида иймонда сабитлик эканини ишботлаб яшаб ўтди. Унинг шеърияти XX аср синовидан ўтиб, XXI асрга завол кўрмай кўчди. Бу шоир тирик эканини, ижоди орқали барҳаётлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тилак Жўра. Руҳият. Шеърлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – 80 б.
2. Sharipova L.F. The use of water attributes in oral written poetry characters // AKADEMICH JOURNAL. 2021/2/11 №1. MIDDLE EUROPEAN SCIENTIFIC BULLETIN ISSN 2694-9970. – P. 608-618.
3. Куронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2018. – Б.148.